


ЯНГИ КАСБ-ҲУНАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ




Бугун, 21 декабрь куни Олтинсой туманидаги Янги Ўзбекистон истироҳат боғидаги Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Олтинсой туман бўлинмасида “Ногиронлиги бўлган ёш хотин-қизларни замонавий касаначилик, тикувчилик ва қандолатчиликка ўргатиш, ўзини-ўзи банд қилиш маркази” иш бошлади.

80 миллион сўмлик ННТ гранти маблағи ҳисобига олти дона замонавий тикув машиналари ҳамда тўртта газ плиталари сотиб олиниб, ташкил этилган ушбу марказнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олтинсой тумани ҳокими Алишер Джумаев иштирок этди ва жамият аъзоларини ушбу касбга ўргатиш маркази ташкил этилганлиги ва кириб келаётган Янги йил байрами билан қутлади.



—Ушбу марказда мен тикувчилик ҳамда патир ва турли тортлар тайёрлаш бўйича мураббийлик қила бошладим,—дейди Рўзихол Абдурахмонова.—Жамият аъзоларини тикувчилик ҳамда қандолатчилик касбларига ўқитаяпман. Бир неча кундаёқ натижалар кўзга ташланмоқда. Гулсин Чориева, Мавжуда Ҳабибуллаева, Маҳфуза Мирзаева, Атагул Тошмуродова, Малика Қурбонова сингари жамият аъзолари тикувчилик ҳамда қандолатчилик касбларини иштиёқ билан ўрганишмоқда.



—Туманимиз бўйича 4393 нафар жамият аъзоларининг 1800 нафарини хотин-қизлар ташкил этади,—дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Олтинсой туман бўлинмаси раиси Сирожиддин Алимардонов.—Ютиб олинган грант маблағи асосида шу йилнинг ўзида 200 нафар хотин-қизларга тикувчилик ҳамда қандолатчилик касбларини ўргатиш, ўзини-ўзи банд қилиш имконини яратамиз. Бу дегани 200та оила даромади таъминланадиган бўлади.



Тадбир давомида туман ҳокими ва тадбир иштирокчилари касб ўраганаётганлар томонидан тикилган свитер, жемпер, куртка каби қиш мавсуми кийимлари ҳамда Янги йил байрами дастурхони учун тайёрланаётган турли пишириқлар ва тортларни кўздан кечиришди.

Н.ТЕМИРОВ,

О.СОДИҚОВ.